



■ БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН!

КЕЛАЖАК КЎПРИКЛАРИ

■ Бугун ўтаётган ҳар бир кунимиз тарихга айланади. Эртага фарзандларимиз мозий саҳифаларидан нималарни ўқиши бугун бизга боғлиқ. Истиқлолимизнинг ҳар бир куни яратаётган мўъжизалар, оламшумул ишлар, аср қурилишлари келажак авлодлар томонидан қадрланишига, эътироф этилишига ишонамиз.

Бугун юртимизда экилаётган дараклар — келажак даракларидир. Қурилаётган иншоотлар — келажак иморатларидир. Бунёд этилаётган кўприклар — бу келажак кўприкларидир.

2014 йил 29 август.

Президентимиз пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий ва Себзор кўчалари кесиладиган майдонда бўлиб, бу ерда бунёд этиладиган кўприк лойиҳаси билан танишди. Ислоҳ Каримов кўчани кенгайтириш, ушбу ҳудудда яшаётган одамларнинг ҳордиқ чиқариши учун имконият, мўътадил иқлим яратиш мақсадида фавворалар бунёд этиш, кўприклар, йўللар қурилишида келажак инноватга олган ҳолда иш тутиш зарурлигини қайд этди...



ОРАДАН

257
КУН ЎТДИ.

2015 йил 12 май.

Президент Ислам Каримов Тошкент шаҳрида барпо этилган янги кўприкни бориб кўрди. Мамлакатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик ишларига, қурувчилар меҳнатига юқори баҳо берди. Ўша дақиқаларда Амир Темурининг «Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг» деган сўзлари жаранглагандек бўлди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Соҳибқирон бобомиз даврида кўприклар қуриш ишларига алоҳида эътибор қaratилган. «...Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, ҳаммомлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устида рабoт бино қилишни, дарёлар устида кўприклар қуришни буюрдим...»

Ўша замонда Зарафшон дарё-

сида, кейинчалик Амударё ва Сирдарё устига кўприклар қурилади.

Тарихчи Ҳофиз Абрунинг ёзишича, Амир Темури Хуросондаги Мурғоб водийсида 20 та канал қаздириб, сув чиқариб деҳқончилик ва ободончилик ишларига асос солади. Унинг топшириғига биноан Кўҳак — Зарафшон, Амударё ва Сирдарёга кўприклар қурилади...

Фотура АЛИЕВ олган суратлар.

■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

■ Юртимизда меҳнат ресурслари юқори суръатларда кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини ҳаётга татбиқ этиш, одамларни ишга жойлаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Бандлик дастурининг жорий йил биринчи чорақдаги ижроси кўриб чиқилмоқда



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Унда «2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг асосий йўналишлари ва параметрларининг 2015 йил I чорақ якунлари бўйича ижроси муҳокама этилди. Мазкур масала юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Тошкент вилоят ҳокимлигининг ахборотлари тингланди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликни таҳлил қилиш ва меҳнат миқдорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Эркин Аветисовнинг қайд этишича, жорий йилнинг январь-март ойларида республика бўйича 141,1 мингта иш ўрни яратилган. Уларнинг 62,6 фоизи ёки 88,3 мингтаси қишлоқ ҳудудларига тўғри келади.

Депутатлар узокни кўзлаб амалга оширилаётган

ислохотлар, инқирозга қарши қўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, юртимизда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари таъминлаб келинаётганини таъкидлашди. Мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши иш ўринлари кўпайишига ҳамда ёшлар бандлигини таъминлашга мустаҳкам замин яратмоқда. Кичик бизнес, яқна тартибдаги ва оилавий тадбиркорлики, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ривожлантириш ҳамда касаначилик имкониятларини кенгайтириш, ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ижобий ишлар билан бир қаторда соҳада айрим муаммо ва камчиликлар борлиғи ҳам айтиб ўтилди. Депутатлар бу борада ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Хусусан, янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қайта жиҳозлаш ва мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш, саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, инфратузилма, коммуникация ва уй-жой объектлари қурилиши қўламини ошириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, йиғилишда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг жорий йил I чорақи давомида Тошкент вилоятидаги ижроси ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Маълумотларга кўра, Тошкент вилоятида 2015 йилда 87,2 мингта иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, I чорақда 11,4 мингта иш ўрни ташкил этилган. Депутатлар вилоятда бандликни таъминлаш бўйича устувор йўналишларга эътибор қаратишди. Дастурда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажариш ҳақида фикр юритилди.

Шу асосда қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида «2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг I чорақда белгиланган параметрларининг ижроси борасида тегишли қарор қабул қилинди. Ушбу қарорда яратилаётган иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, хотин-қизлар, ногиронлар ва ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларни ишга жойлаштириш, мутасадди вазирлик, ташкилот ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш масалалари кўзда тутилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

■ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ЎЗХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

бандлик дастури ижроси доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқилди, масъул идора-ташкilotларнинг ахборотлари тингланди

■ Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг бажарилишини 8 туман мисолида ўрганиб чиқди. Бунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Назорат-таҳлил натижалари асосида тавсиялар тайёрланди.

ЎЗХДП гуруҳи аъзолари масалани вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси муҳокамасига тақдим этишди. Шу юзасидан ташкил этиладиган доимий комиссия йиғилишида ЎЗХДП шаҳар, туман кенгаши раислари, вило-

ят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, Иқтисодиёт бошқармаси, Марказий банк ходимлари ва мутахассислар иштирок этди. — Ҳар бир фуқаронинг турмуш фаровонлигида, аввало, унинг доимий иш билан таъминлангани муҳим аҳамият касб этади,

— деди йиғилишда ЎЗХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Маҳмуджон Маҳмамов.

— Бу масала бевосита партияимиз дастурий мақсадларидан бўлгани боис, маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗХДП гуруҳлари томонидан бандлик дастури бажарилиши юзасидан изчил равишда назорат-таҳлил ишлари амалга оширилмоқда. Мақсадимиз ҳудудий дастурларда кўзда тутилган иш ўринлари ўз вақтида очилиши, барқарор бўлишига эришишдир. Бу борада дастурда кўзда тутилган ишлар бажарилапти, аммо эътиборни кучайтиришимиз зарур бўлган масалалар ҳам оз эмас...

2

■ ХУШХАБАР!

■ Россиянинг Челябинск шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин ва иккита кумуш медалга сазовор бўлди.

Таэквондо (WTF):

Биринчи жаҳон чемпиони!

Мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 141 давлати вакиллари ғолиблик учун майдонга чиқди. Жаҳон чемпионатида нафақат ғолиб ва совриндорлар номи аниқланди, балки 2016 йили Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган XXXI ёзги Олимпиада уйинлари йўлланмалари учун рейтинг очколари ҳам тақдим этилди. Бу эса ҳар бир учрашув шиддатли ва муросасиз кечишини таъминлади.

Жаҳон чемпионатининг оғирлик вазни 87 килограммдан юқори бўлган спортчилари баҳсида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Дмитрий Шокин чинакам маҳорат намойиш этиб, ўзбек таэквондоси тарихида янги саҳифа очди. Дмитрий дастлабки босқичларда ямайкалик Жейсон Грантни 3:1, италиялик Леонардо Басилени 8:2, германиялик Волкер Водзихни 11:2 ҳисобидан енгиб, ярим финалга йўлланмани қўлга киритди.

Истеъдодли таэквондочимиз финал йўлланмаси учун кечган жангда кубалик Робелис Деспейни мағлуб этди. Дмитрийнинг ҳал қилувчи учрашувдаги рақиб Лондон Олимпиадаси чемпиони Фир-



мен Зоку (Кот-д'Ивуар) бўлди. Учрашувнинг асосий вақти тенг курашлар остида кечди. Натижада ғолиб номи қўшимча вақтда аниқланди. Унда Дмитрий Шокин рақибини доғда қолдирди ва ўзбекистонлик таэквондочилар орасида биринчи бўлиб ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ деган шарафли унвонни қўлга киритди!

4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Тарғибот таҳлилга асослансагина самаралидир



■ Кексалар ҳаёти — катта мактаб

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ»
ЁШЛАР ҚАНОТИ

■ ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент вилоят бўлими ташаббуси билан «Коллеждан — корхонага» лойиҳаси доирасида Қўйи Чирчиқ тумани Хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежида тадбир ўтказди. Унда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимлари ва битирувчилар иштирок этди.



Тадбир доирасида меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, унда тумандаги корхона ва ташкилотлар ўзларидаги мавжуд 90 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди. Меҳнат ярмаркасида 200 га яқин касб-хунар коллежи битирувчиси иштирок этиб, улардан 54 нафари ишга жойлаштириш учун йўланмага эга бўлди.

— Мен меҳнат ярмаркасида мутахассис-литим бўйича «Агробанк» туман филиалига ишга жойлаштириш учун йўланма олдим, — дейди Транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи битирувчиси Зухра Мирзахўжаева. — Бундан жуда хурсандман. Ушбу меҳнат ярмаркаси коллежни тугаллашимиз арафасида ўтказилгани биз учун фойдали бўлди. Кўпчилик тенгдошларим амалиёт ўташ ҳамда ишлаш учун турли корхона ва ташкилотларга йўланма олишди.

Мадина ЮСУФЖОНОВА
СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

■ ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлини масала билан ҳамкорликда «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш» мавзусида семинар-тренинг ўтказди.

Унда партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар таҳлилий-танқидий руҳда муҳокама этилди.

— Ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш ҳамда ҳудудларни ривожлантиришда партия гуруҳларидан катта масъулият талаб этилади, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши масъул ходими Ғайрат Пирназаров. — Семинарда иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, партия гуруҳлари аъзолари томонидан электрот манфаатларига мос қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, бу борада самарали депутатлик назоратини амалга ошириш, сийловчилар олдида ахборот бериш масалалари юзасидан фикр алмашишди.

Семинарда партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Гулинигор МУРОДОВА



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан

бандлик дастури ижроси доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқилди, масъул идора-ташкilotларнинг ахборотлари тингланди

1 Йиғилишда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Дилмурод Усмоновнинг кун тартибидagi масала юзасидан ахбороти тингланди.

— 2015 йилда вилоят меҳнат бозорига 192 мингдан зиёд киши кириб келиши кутилган, — деди у. — Уларнинг 92 мингдан зиёди айнан янгидан ташкил этиладиган иш ўринларига жойлаштирилиши мўлжалланган. Қолган қисми эса ҳудудлардаги бўш, шунингдек, захира иш ўринларига юборилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда 14,9 минг янги иш ўрни яратилиб, режа 101,5 фоизга бажарилди.

Иш ўринларининг асосий қисми тадбиркорлик субъектлари ҳисобига яратилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, имкон қадар қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга алоҳида эътибор берилгани натижасида соҳада 10471 иш ўрни, шундан кичик корхоналарда 7580 ва яқка тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 1499 иш ўрни ташкил этилишига эришилди.

Янги иш ўринларининг асосий қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тўғри келади. Бу аҳоли даромадлари ва харид талаби ўсиб бораётганидан дарак бермоқда.

Депутатлар иш ўринлари яратиш билан боғлиқ барча йўналиш-

лар бўйича дастур кўрсаткичлари бажарилган бўлса-да, айрим туман ва шаҳар ҳокимликлари қошидаги ишчи комиссиялар ўз фаолиятига жиддий ёндашмаётганини қайд этишди. Масалан, комиссия аъзолари белгиланган иш тартибига қатъий амал қилмай, суст-кашликка йўл қўйгани оқибатида биринчи чорада Дастурга киритилган 200 дан ортиқ лойиҳада назарда тутилган иш ўринлари тўлиқ ташкил этилмаганди.

— Йўл қўйилган камчиликларнинг олдини олиш мақсадида туман, шаҳар ҳокимликлари масъул бошқармалари билан ҳамкорликда ишни тизимли ва самарали ташкил этишимиз керак. Дастурга киритилган ҳар бир лойиҳа ташаббускори билан учрашиб, лойиҳани амалга ошириш йўли-йўриқларини маслаҳатлашсақ, шунда бу борада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш чоралари аниқ белгиланади, — дейди Дилмурод Усмонов. — Жорий йилнинг иккинчи чорагида барча йўналишлар ҳисобига 4274 та лойиҳа ва субъектда 28854 та иш ўрни очилди белгиланган. Ташкил этиладиган иш ўринларига, биринчи навбатда, касб-хунар коллежлари битирувчиларини, вақтинча ишсиз, ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд кишиларни жойлаштириш режалаштирилган...

Фарғона вилоятидаги 144 касб-хунар коллежини бу йил 57,8 мингдан зиёд йигит-қиз битиради. Уларнинг барчаси билан коллеж-

корхона-битирувчи тизими асосида уч томонлама шартнома имзоланган. Депутатлар бошқарма бошлиғидан уларнинг бир қисми асоссиз, номуаффақият билан сабабларини сўрашди.

— Дарҳақиқат, битирувчилар ва корхона ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар қайта ҳатловдан ўтказилди. Битирувчилар билан 37105 та шартнома тузилган бўлса-да, уларнинг 15389 таси фақат амалиёт учун ёки ишга олиш имконияти мавжуд бўлмаган корхона-ташкilotлар билан тузилгани аниқланди, — деди Дилмурод Усмонов. — Касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш вилоят штаби уларни турли бошқармалар тизимига қайта тақсимлаб берди. Битирувчилар, албатта, муқим иш жойи билан таъминланади.

Шундан сўнг янги иш ўрни яратиш, касб-хунар коллежи битирувчиларини кафолатланган даражада иш билан таъминлаш масалалари ҳақида вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Шухрат Тожиҳақимов ҳамда Марказий банк вилоят бошқармаси бўлими бошлиғи Акрамжон Турсунов ахборот беришди.

ЎзХДП Ёзёвон туман кенгаши раиси Малика Чопқиева касб-хунар коллежларида инглиз тили, мусиқа, маиший хизмат кўрсатиш йўналишидаги битирувчилар сони яратилаётган иш ўрнига нисбатан анча камлиги, янги 2015-2016 ўқув йилида таълим

йўналишининг амалдаги эҳтиёжга мутаносиблигига эришиш масаласини кўтарди. ЎзХДП Ўзбекистон туман кенгаши раиси Йўлдошали Шокиров ишга жойлаштирилган битирувчиларнинг ишлаётган-ишламаётгани орадан 6 ой ва бир йил ўтгач, албатта, мониторинг қилиниши лозимлигини таъкидлади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Маҳмуджон Маҳаммов ўрганиш натижасида янгидан иш бошлаётган битирувчиларга 14 ва ўндан ортиқ фойзли кредитлар ажратиш ҳоллари учраётганини, коллеж битирувчиси ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлам ҳисобланиб, имтиёзли кредитлар, аввало, уларга йўналтирилиши лозимлигини таъкидлади.

Йиғилишда 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди. ЎзХДП гуруҳи аъзолари коллеж битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш, маълумотларнинг ҳаққонийлигини ҳар бир коллеж кесимида мунтазам ўрганиб бориш тақлифларини беришди.

Доимий комиссия кун тартибидagi масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Маҳмуджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР»
ҚАНОТИ



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Оила меҳрдан
бунёд бўлади

— Оиланинг дояси — меҳр. У меҳрдан бунёд бўлади, меҳр билан озиқланади, меҳр билан мустаҳкамланади, — дейди Қибрай туман Янгиобод қишлоғида яшовчи Мавлон Отақулов. — Умр йўлдошим билан ҳаётимизнинг узоқ йиллик йўлини бирга босиб ўтдик. Турмушнинг аччиқ-чучугини тотдик, ўғил-қиз фарзандлар тарбияладик. Бугун уларнинг ардоғида, мана шундай тинч ва осойишта юрtda яшаётганимизга шукрлар қиламиз.

«Фаол аёллар» қаноти Тошкент вилоят бўлими ташаббуси билан ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутатлари, туман Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа қатор ҳамкор ташкilotлар вакиллари Қибрай туманида узоқ йиллардан буён бирга умргузаронлик қилаётган кексаларнинг ҳолидан хабар олишди. Самимий суҳбатларда ёш оилалар аъзолари ҳам иштирок этди.

— Турмуш ўртоғим Лазоқатон билан кўп синовларни биргаликда енгиб ўтдик, — дейди Баҳодир Ота Мирзаев. — Мен қурилиш, аёлим тадбиркорлик соҳасида узоқ йил меҳнат қилдик. Айни пайтда пенсияда-миз. Оилаларимизда тинчлик-хотиржамлик бўлсин, дея дуодамиз. Кексаларни эъзозлаш йили чинакамига бизнинг йилимиз бўлди. Қанчалаб қарорлар қабул қилинган, имтиёзлар берилган. Жамоатчиликнинг эътиборини айтмайсизми... Фарзандларимиз, набираларимиздан кўнглимиз тўқ. Уларнинг ҳурмати ва эъзозини ҳис қилиб яшаш — бахт.

— Маҳалламизда 1800 дан ортиқ оила яшайди, — дейди Қибрай туманидаги «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Мухаррам Ҳақимова. — Улар орасида ҳурмат-эътибор қозongan намунали оилалар кўп. Хусусан, Мўминжон Ота Каримов, Носир Ота Ғофуров, Турсунбой Ота Шерматов оилалари шундай оилалардан. Ёш оилалар улардан ибрат олишди, ҳаётий тажрибаларидан сабоқ чиқаришди. Маҳалламиздаги барча тадбирларда шунга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Тадбирда намунали оилаларга ҳамкор ташкilotларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Гулрух САЙФИДИНОВА

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкilotлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

! ЯНГИ РУКН: БУ ҲАҚДА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?
СИЁСИЙ ПАРТИЯ АЪЗОСИ

ҳар бир масалада ўз мустақил фикри ва албатта, позициясига эга бўлмоғи зарур

Маълумки, аҳолининг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини оширишда сиёсий партиялар муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда мамлакатимизда туртта сиёсий партия фаолият юритмоқда, уларнинг аъзолари йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Ҳўш, сиёсий партия аъзоси ким? У қандай одам бўлмоғи керак? Аъзоликнинг масъулияти нималарда кўринади? Шу ҳақда партиямиз фаоллари фикри билан қизиқдик.



Одинахон Солиева,
ЎзХДП Пахтабод туман
кенгаши раиси, халқ
депутатлари туман
Кенгашидаги партия гуруҳи
раҳбари:



Ахмаджон Зокиров,
Шайхонтоҳур туманидаги
«Илғор» маҳалла фуқаролар
йиғини раиси, ҳудудий
партия ташкilotи
етакчиси:



Олтиной Тлеғенова,
Қорақалпоғистон
университети талабаси,
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар
қаноти фаоли:

— Бугун одамларнинг сиёсий фаоллиги ошган, ҳуқуқий билими юксалган. Бунга партиямизга аъзо бўлиш имконияти бидириётганлар сони тобора ортиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин. Йил бошидан буён 30 нафар йигит-қиз сафимизга қўшилди. Туман миқёсида бир ярим мингдан ортиқ киши партиямиз аъзоси ҳисобланади. Биз янги аъзоларимизга партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини кенг тушунириш билан бирга аъзолик масъулияти, вазифалари ҳақида ҳам тушунчалар бериб борамиз.

— Кўп йиллардан бери Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзосиман. Унинг дастурий ғоялари, мақсад-вазифаларини ўз ҳаётим қарашларимга мос қилиб, шу партияни танлаганман. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, партияга аъзо бўлган одам атрофдаги воқеа-ҳодисаларга, мамлакатдаги ижтимоий сиёсий жараёнларга масъулият ва тевран нигоҳ билан қарайди. Партиянинг турли тадбирлари, давра суҳбатлари ҳамда семинарларида иштирок этиш давомида бу жараёнларга ўз муносабатини билдириб боради.

Маҳалламизда олти ярим минг нафарга яқин аҳоли истиқомат

— Мамлакатимиздаги ҳар бир сиёсий партия жамият ривожини, мамлакат тараққиётини йўлида ўз дастурий мақсадларини илгари сурмоқда. Ким қайси партия сафида бўлишни ўзи ҳал этади. Бу, албатта, унинг касби-кори, дунёқараш, ҳаётдаги оруз-умидларига боғлиқ. Мен ҳам сиёсий партиялар дастури билан танишган ҳолда Ўзбекистон Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлашга аҳд қилганман. Чунки бу партия ғоялари инсонпарварлиги, миллий қадриятларимизга мослиги билан эътиборимни тортган.

Партиямиз сафида мен каби ёшлар кўпчилигини ташкил этади.

Сиёсий партияга аъзо бўлиш билан киши ўз зиммасига катта масъулият олади. У партия ғояларини қўллаб-қувватлашга қолмай, уларни ҳаётга таъбиқ этишда фаол иштирок этиши керак. Партия аъзоси ҳаётда, жамиятда бошқалардан бир қадам олдинда юриши талаб этилади. Дунёда ва мамлакатда бўлаётган жараёнларни мунтазам кузатиб бориши, воқеа-ҳодисалар ҳақида ўз фикрига эга бўлиши керак. Биз ўз сафимизда ана шундай фаол аъзоларни қўлайитиришга ҳаракат қилияпмиз.

қилади. Улар турли партияларга аъзо бўлишган. Ҳар ким ўз қарашларидан келиб чиқиб, туртта партиядан бирини танлаган. Хусусан, ЎзХДП аъзолари ҳам маҳалламизда кўпчилигини ташкил этади. Партия йиғилишларида мамлакатимиз ҳамда дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этамиз. Биз тадбирларда умумий мавзулардан кўра, одамларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ ижтимоий масалаларни муҳокама қилишни кенг йўлга қўйишимиз лозим. Шундагина ҳар бир аъзо бундан манфаатдор бўлади ва партия мақсадларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

Бундан кўриш мумкинки, тенгдошларимнинг сиёсий жараёнларга қизиқиши катта, улар мамлакатимизда бўлаётган янгилик ва ўзгаришларга бефарқ эмас. Бугун ёшлар сиёсий партиялар сафида бўлиб, жамиятдаги воқеаларга ўз муносабатларини билдириб боришмоқда. Бу жараёнлар ёшларнинг дунёқарашини, жамият келажағи тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар сиёсий партияга аъзо бўлишдан олдин бунинг масъулияти ҳақида ўйлаб, аниқ ҳулосага келмоғи керак, деб ҳисоблайман.



Бекзод Норматов,
Тошкент вилояти, Ангрен
шаҳридаги 26-мақаб
директори ўринбосари,
халқ депутатлари Ангрен
шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси:

— Ҳар бир инсон яхши ният, эзгу оруз-истақлар билан яшашга интилади. Яқинларимга, юртимга, элимга нафим тегса, уларнинг мушкулларини осон қилишга кўмаклашсам, дейди. Партия аъзоси ҳам худди шундай. У ўзи аъзо бўлган сиёсий куч электорати манфаатини ҳимоя қилишга, жамият тақдирига дахлдор масалаларни чуқур ўрганишга, ҳал этишга, партиянинг ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишга ҳисса қўшиши зарур.

Шуни алоҳида айтиш керакки, бугунги таҳликали замонда мамлакатимиз манфаатини ҳимоя қилиш, ёт ғояларга қарши курашишда ҳам партия аъзолари фидойилик кўрсатиши лозим. Демак, сиёсий партияга аъзолик гувоҳномасини олган одамнинг зиммасида мустақил фикрлашга интилиш, юрт тақдирига дахлдорлик масъулияти кучли бўлиши керак. Бу масъулиятни қанча чуқур ҳис этсак, партияимизнинг жамиятдаги таъсир кучи ҳам шунча юқори бўлади.

Гулрух ОДАШБОВА
тайёрлади.

■ «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА ҲАМДА НУКУС ШАҲАР БЎЛИМЛАРИ ҲАМКОРЛИҚДА «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДАН — ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК САРИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ. УНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ФАОЛЛИгини ОШИРИШДА ҚАНОТ ҲАМДА ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ХУСУСИДА ФИКР АЛМАШИЛДИ.



■ ЎзХДП НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА «КЕКСАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР — УЛАРГА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. СЎНГРА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ САХОВАТ КЕКСАЛАР УЙИ ВА УЙЧИ ТУМАНИДА ЯШОВЧИ КЕКСАЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИБ, УЛАРГА СОВҒАЛАР УЛАШДИ.

A black and white portrait of a man in a military uniform, likely a general, standing outdoors. He is wearing a dark jacket with epaulettes and a light-colored shirt. The background is slightly blurred, showing some foliage.A black and white portrait of a young man in a military uniform, likely a pilot, wearing a flight suit and a peaked cap. He is standing outdoors with trees in the background.A black and white portrait of a man with a mustache, wearing a light-colored jacket, standing in front of a bookshelf. The image is partially obscured by a large, faint, stylized watermark that reads "MEXICO" and "FALDO".

Ушбу кўприк жуда сифатли ва юқори технологиялар асосида бунёд этилган. Эндиги масала уни ана шундай ҳолда сақлаб қолишдир. Бунинг учун ҳар бир инсон ўзини масъул, деб билиши керак. Бундай иншоотлар халқ мулки ва у ҳозир вақт давомида одамларга хизмат қилиши зарур.

ХУШХАБАР!



Таэквондо (WTF):

Биринчи жаҳон чемпиони!

— Фарзандимнинг жаҳон чемпионатида эришган галабалари ҳақида интернет орқали ўқиб, кўзимга ёш келди, — дейди **жаҳон чемпионининг отаси Александр Шокин**. — Бу, аввало, Президентимиз ва давлатимиз томонидан юртимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш йўлида қўрсатилаётган ғамхўрликларнинг самараси, деб биламан. Ўғлимнинг устозларига катта раҳмат! Дима мусобақага отланганида албатта жаҳон чемпиони бўлиб қайтишга сўз берганди. Унинг ўз сўзи устидан чиққанидан бошим осмонга етди. Ишонаманки, ўғлим келаси йили бўладиган Рио-де-Жанейро олимпиадасига ҳам албатта йўлланмани кўлга киритади ва Олимпия медаллари учун муносиб курашади.

Оғирлик вазни 74 килограммгача бўлган спортчилар мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Никита Рафалович 1/32 финалда Хермен Дюппасу (Габон) ни 14:0, 1/16 финалда Ремуэла Тинириу (Полонезия) ни 3:2, 1/8 финалда Пиратеп Сила-Он (Таиланд) ни 16:11 ҳисобида мағлуб этди. Моҳир спортчимиз чорак финалда эса азаллий рақибни жанубий корейлик Хун Кимни 4:3 ҳисобида енгиб, ярим финалга йўл олди.

Ҳамюртимиз ярим финалда Мали вакили Исмоил Кулибали билан кечган беллашувда галаба қозониб, ҳал қилувчи баҳсга йўлланмани кўлга киритди. Никита финалда эронлик Маъсуд Хожизаварегга очколар ҳисобида кичик фарқ билан имкониятни бой берди ва кумуш медал билан тақдирланди.

Яна бир истеъдодли спортчимиз, Инчеонда ўтган ёзи Осиё ўйинлари қолиби Жасур Бойқушев (87 кг) ҳам муборбийлар билдирган ишончли оқлади. Финалгача бўлган барча жангларни ўз фойдасига ҳал этган моҳир таэквондочимиз финалда озарбайжонлик Радик Исоевга қарши майдонга тушди. Ута мурасис кечган беллашувда Жасурага бироз омад етишмади ва у шохсупанинг фахрли иккинчи поғонасига кўтарилди.

Бугунча таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатлари тарихида Ўзбекистон спортчиларидан фақат Эдуард Хейгай ва Акмал Эргашевларгина ана шундай муваффақиятга эришган эди.

Самандар **БОБОРАЖАБОВ**,
ЎзДЖТУ талабаси.

ФУТБОЛ

Ёшларимизнинг имконияти қандай?

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар (U-20) терма жамоаси жаҳон чемпионатида қатнашиш учун Янги Зеландияга жўнаб кетди

■ **Хабарингиз бор, шу йилнинг 30 май — 20 июнь кунлари Янги Зеландияда ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари ўтказилди. Унда ер куъррасининг энг кучли йигирма тўрт мамлакатни ёш футболчилари қолиблик учун майдонга тушади.**

Қувонарлиси, мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси тўртинчи марта юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Қуръага кўра, Равшан Ҳайдаров бош мураббийлик қилаётган ёш футболчиларимиз «**F**» гуруҳида **Германия, Фижи ҳамда Гондурас** вакилларига қарши тўп суришади.

Хўш, мамлакатимиз ёшлари навбатдаги мусобақага қандай ҳозирлик кўрдилар, терма жамоамиз имконияти қандай?

— Жаҳон чемпионатида тайёргарликни ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаган эдик, — дейди **Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Равшан Ҳайдаров**. — Бугунгача олти босқичда ўқув-машғулот йиғинлари ташкил қилинди, ўн та сино-назорат ўйини ўтказилди. Йиғинларимизнинг иккитасини хорижда, аниқроғи, Туркия ва Португалия мамлакатларида уюштиришга муваффақ бўлинди. Бу йиғинлар доирасида кирк беш нафар футболчини синовдан ўтказишга муваффақ бўлдик. Яқунда Янги Зеландияда бўладиган ҳал қилувчи баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи йигирма бир нафар ўйинчини аниқлаб олдик.

Йиғинлар давомида жаҳон чемпионати иштирокчилари — Португалия, Уругвай, Янги Зеландия ёшлар терма жамоа-

лари билан ўтказилган ўртоқлик учрашувлари футболчиларимиз учун ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Таркибимизга Жамшид Болтабоев («Бунёдкор»), Бобур Давлатов («Рубин» Россия) сингари ўйинчиларни қўшиб олишни жуда истагандик. Афсуски, Жамшид жароҳати туфайли жаҳон чемпионатида қатнаша олмайдиган бўлди. Бобур Давлатов масаласида эса «Рубин» футбол клуби билан келиша олмадик.

Рақибларимизнинг ҳар бири ўз минтақасининг етакчи жамоалари саналади. Уларнинг ўйинлари услубини видео ёзувлар орқали ўрганишга ҳаракат қилдик. Гондурас ёшлар терма жамоаси Таиландда ўтказилган «Қирол кубоги» халқаро турнирида асосан жаҳон чемпионати-га борадиган таркиб билан ўйнади. Германия ёшлар терма жамоаси эса ҳар тарафдан катта тайёргарликка эга футболчилардан ташкил топган. Биз учун Фижи футболчилари нотаниш жамоа саналади. Шу боис ўйин услуби уларга ўхшаш бўлган Янги Зеландия ёшлари билан иккита ўртоқлик ўйини ўтказиш орқали тайёрландик. Қисқача айтганда, рақибимиз ким бўлишидан қатъи назар уларни ҳурмат қиламиз. Жамоамиз жаҳон чемпионатида ўзини кўрсатиши

учун барча шарт-шароит яратилди. Футболчиларимиз ҳам руҳан, ҳам жисмонан ҳам назарий жиҳатдан тайёр, деб бемалол айта оламан. Жаҳон чемпионатида олдимизга қандай кучли тўртликка кириш вазифаси қўйилган ва буни уйдлаш учун бор куч-имкониятимизни ишга солаемиз.

— Жаҳон чемпионати олдида жамоадорларим сардорлик боғичини менга ишониб топширганларидан жуда хурсандман, — дейди **терма жамоа сардори Жавахир Соҳибов**. — Аввало бу зиммамга катта масъулият юк-

ёшлар терма жамоаси илк учрашувни 1 июнь кун Гондурас футболчилари билан ўтказса, иккинчи жуфтликда Германия — Фижи вакиллари ўзаро куч сынашади. Гуруҳнинг 2-тур ўйинлари 4 июнга белгиланган. Унда **Германия — Ўзбекистон, Фижи — Гондурас ёшлар терма жамоалари баҳс юритади**. 7 июнда бўладиган охириги турда **Ўзбекистон — Фижи, Гондурас — Германия** футболчилари ўзаро рубарў келишади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иклимга мослашиш учун



Хасан ПИРМУХАММЕДОВ олган сурат.

лайди. Жаҳон чемпионатида бирорта осон ўйин бўлмаслигини ҳаммамиз хис этиб турибмиз. Ҳозиргача ўтказилган жаҳон чемпионатларида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси учун юқори натижа кўчи саккизликдан жой олиш бўлган. Биз эса Янги Зеландияда янада юқори натижани кўлга киритиш учун майдонга тушмоқчимиз. Чунки халқимиз ва миллионлаб мухлисларимиз бизга катта умид билан қараб турибди. Таквимга кўра, Ўзбекистон

кеча Янги Зеландияга жўнаб кетди. Режага кўра, Веллингтон шаҳрида 24 май кун футболчиларимиз жаҳон чемпионати иштирокчиларидан бири — Панама вакилларига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга чиқишади. Сўнгра терма жамоамиз 28 майда гуруҳ босқичи баҳслари ўтадиган Крайстчерч шаҳрига йўл олади.

Эркин **ХОЛБОБОВ**,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


Тендерная комиссия ГАЗК «УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР № 5

2015 года на приобретение крана на железнодорожном ходу в количестве одной единицы.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЗК «Узбекистон темир йуллари», Управление «Темирйўл» филиал, комната 410. Тел: 237-94-72, факс: 238-84-43. Электронная почта: lsrailov55@mail.ru

Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней с момента выхода объявления в средствах массовой информации.



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши

Тошкент шаҳар, Мустақиллик, 5/3да жойлашган биносидаги кондиционерларни ўрнатиш учун мавжуд электр линияси ҳолатини ўрганиб, тегишли ҳулоса бериш ва янги линия ўрнатиш мақсадида 2015 йил 29 май кунини тендер ўтказилишини эълон қилади.

Талабдор корхона ва ташкилотлар мутахассислари 2015 йил 21-26 май кунлари бинодаги мавжуд электр линияси ва янги ўрнатиладиган линия ҳисобини аниқлаш ҳамда мақбул нархни белгилаш учун ўрганиш ишларини амалга оширишлари лозим.

Ўрганиш натижалари бўйича смета харажатлари 28 май кунига қадар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига тақдим этилиши керак.

Мурожаат учун телефон: 239-18-49; факс: 239-13-20.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2015 йил 7 май, 52-сонидан берилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги банк буйича эълон матидаги «Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш мuddати «COINOT AND C» МЧЖ учун 1 (бир) йилдан ошмаслиги лозим» жумласи «Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш мuddати «COINOT AND C» МЧЖ учун 3 (уч) йилдан ошмаслиги лозим» деб ўқилишини маълум қилади. Гувоҳнома №005357.

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.



САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.



КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонны.

Телефоны:
(0-371) 262-97-78,
Факс:(0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17
www.avtokran.uz.
email:cst2008@mail.ru
Товар сертифицирован.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

■ Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорда Республикаимизнинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошлангич алоҳида кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Тошкентдаги 201-мактабда ҳам инглиз тилини ўрганиш яхши йўлга қўйилган.

Инглиз тили фани ойлиги

Болалар алоҳида жиҳозланган синфхоналарда замонавий технологиялардан фойдаланишмоқда. Мазкур таълим даргоҳидаги ўқувчилар чет тилини қандай ўзлаштираётгани «Инглиз тили фани ойлиги»да тўла намойён бўлди.

Бу тадбир байрамона тус олди. Ўқитувчи Шоҳида Муродова 167-мактабгача таълим муассасасида 5-синф ўқувчилари иштирокида «Зумрад ва Қиммат» эртаги асосида тайёрланган томошани инглиз тилида намойиш этиши қизиқарли бўлди. Маҳбуба Раҳманованинг «Буюк Британия»га бағишланган оқибатлари ҳам мароқли ўтди. Муҳаййи Акрамова 2 ва 3-синф ўқувчиларини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан таништирди. Хушнўй Акбаров ташкил этган «Дунё бўйлаб инглиз тилида» мавзусидаги суҳбатлар бўлгуси тил ўрганувчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

— Болаларимизга бошлангич синфдан инглиз тили ўргатилаётгани ўз самарасини бермоқда, — дейди мактаб директори Саодат Мирзақаримова. — Улар орасидан келажакда ҳақиқий инглиз тили билмодонлари, мутахассислар етишиб чиқишига ишонаман. Бунинг учун бизда барча шароитлар етарли.

Гулбаҳор МАМАЖОНОВА

ОБ-ҲАВО	21-22.05 — 2015
Юртимиз бўйлаб («С»)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+8 / +13	+20 / +25
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+15 / +20	+27 / +32
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+15 / +20	+25 / +30
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+17 / +22	+29 / +34
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+15 / +20	+25 / +30
Тошкент шаҳри	
+15 / +17	+25 / +27

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракция аъзоси Екуб Умаровга волидаи муҳтарамаси

МУХТАСАМ аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси жамоаси Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази директори Отабек Луқмонува падари бузруквори

ОМОН отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

Республика йиғма электрон каталог маркази жамоаси марказ бош мутахассиси Гулжаҳон Аҳмедовага падари бузруквори

ВАЛИ отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати томонидан Учтепа тумани, Ермухаммедов қўчасида жойлашган чойхона иншооти учун Аширов Зоир Жўраевич номига берилган реестр рақами 1-154/2010 ва 2010 йил 3 июнда берилган ТА 0933324, 5220-06-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МУАССИС:



О'ЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla **ORIPOV**
Hotamjon **KETMONOV**
Ulug'bek **VAFOYEV**
Rustam **KAMILOV**
Sharbat **ABDULLAYEVA**

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy **RAMATOV**

Saidahmad **RAHIMOV**
Farrux **HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana **KISTANOVA**
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — **233-65-45**

Xatlar va murojaatlar uchun — **233-12-56**
E-mail: **info@uzbekistonovozi.uz**

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559
17968
nuxsada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tjorat materiallari
O'za yakuni — 21.20
Toshirilgan vaqti — 22.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin **MAHMUDOV**
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar **BAKIROV**
Behzod **ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5